

*(Самаркандда матбуот ва ёшлар)*

203-сон «Кизил байрок» газетасида «Бургага аччиг килиб кўрпани куйдириш» унвони билан Самарканд ёшлари ва Самарканд газетасига доир «Озиёлик» имзоси билан босилгон бир макола кўрилди.

Озиёлик ўрток менинг газета идорасидан чиқишимни «кўнгилсиз воқеа» деб атаб, умуман, Самарканд ёшларининг Самарканд газетасига иштирок қилмасликларининг масъулиятини ёшларга ва ёшларнинг бир-бировлари билан келиша олмагонликдарига юклайдир.

Самарканд ёшлари Самарканд газетасига қандай муомала қилиб келдилар? Кейинги чоқларда нима учун газета идорасидан ўз муносабатларини уздилар?

Мана бу сўроқларга очик жавоб бермак учун Самарканд матбуоти ва ёшлари тўғрисида бир оз изох бериб ўтмоқчи бўлдим.

Самаркандда эски ҳукумат вақтида ҳам самаркандликларнинг ҳам ўз моддий ва маънавий кучлари билан маҳаллий матбуот кимирлаб тургон эди. Ўзгаришдан кейин, айниқса, ўқтабр ўзгаришидан сўнгра Самарканд газетаси ҳар вақт Самарканд муҳаррирларининг ўз қўлларида ва масъулиятларида яшаб турди.

1918нчи йил охирида рус газетаси теварагида йиғилгон овруполик ўртоқлар бир неча вақт бизнинг газетамизни қисиб тургон бўлсалар ҳам, лекин Самарканд ёшларининг гайрати ва маҳаллий ҳукуматнинг ёрдами соясида мустамлакачиларнинг қисидан қутулгон эди. Сўзнинг қисқаси, Самарканд газетаси ерлик муҳаррир ва ёшларнинг қўлларида 1921нчи йил ёзигача Самарканд музофотининг ойнаси ҳам маҳаллий ҳукуматнинг ношири афкори бўлиб келди.

Аммо 1921 йилнинг ёз бошларида Мурсалимов деган бир ўрток Самаркандга келиб,

музофот фирка кўмитаси томонидан у вақтдаги «Мехнаткашлар товуши» газетасига сиёсий нозир тайин килинди. Газетанинг хайъати тахририяси ушбу тайинни шодлик билан қарши олди. Оз кучимиз кўб бўлди, деб қувонди. Лекин Мурсалимов ўрток бир оз ишлагандан кейин маҳаллий муҳаррирларни қиса бошлади. Буларнинг мақолалари учун баъзан газетадан ўрин бермай турди. Татарча мақолаларни газета муҳарририга кўрсатмасдан, ўзи матбаага бериб бостира берди, ҳатто ўз ихтиёри билан «Идорадан жавоблар» ёзиб, менинг масъулиятим остида босиб чиқара берди. Самаркандда у кунларда мусофир бўлган бир неча татар муҳаррири ва муаллимларга ўзбек газетаси идорасидан ҳақоратлик жавоблар ёзиб, ўзбек-татар орасида англашилмовчиликларга сабаб бўлди.

Ерлик муҳаррирлар ҳар нима ёзсалар, «Сиз хабаргина ёзиб келтиринг, мақолани биз ёзамиз, биз олий таҳсил кўрган одамлармиз», деб бостирмади. Хулоса, бир ой, бир ярим ой ичида Самарканд газетасини «Мурсалимов газетаси» қилиб юборди. Бунинг билан қаноатланмай, «Текканга тегаман, тегмаганга кесак отаман» мақолига мувофиқ арзимайдиргон бир ишни баҳона қилиб, мени трибуналга, масъулиятка тортди. Бу ишдан иш бошидаги масъул ишчилар хабардор бўлиб, (тафтишдан сўнг) уни тавбих этдилар ва мени қутқазиб олдилар. Мурсалимов бунинг билан мени йикитишга муваффақ бўла олмагач, устимдан обқўм партиёга шикоят этиб, мени Фарғонага нафй (сурғун) қилишга қарор берди. Бу дафъа ҳам Самарканд зиёлилари мени химоя этиб қутқардилар.

Шул вақтларда Тошканддан Акмал Иқромов ва Усмонхўжа ўртоқлар қелиб, аҳволни англадилар ва Мурсалимовни газета идорасидан ажратдилар. Шунинг билан яна Самарканд газетаси ерлик муҳаррирлар кўлида қолди ва ушбу вақтгача давом этди.

Сўнг замонларда обқўм партиянинг масъул сарқотиблигига маҳаллий тилни билмайтурсон бир ўрток ўтганидан истифода қилиб, яна газета устида жанжал қилдилар ва газетанинг масъул муҳаррирлигига вақтинча Зоҳида Бурнашева ўртқони тайин қилдиришга муваффақ бўлдилар. Бундан кейин газета идораси айнан бултурги ҳолга айланди. Маҳаллий мақолаларга йўл берилмади. Қуруққўл берилмадигина эмас, балки «Мақолангизда Бехбудий оти қўп зикр қилинган. Бу миллатчиликдир», деб шифохий «жавоб» қайтарилди.

Бу ерда шуни эсга тушириб ўтаманки, Чўлпон ўрток «Кизил байроқ» газетасида «Бехбудий отамиз» деб ёзди - миллатчи бўлмади. Ўрток Олимжон Иброҳимов «Қаюм Носирий - татар тилини тиргизган бир киши, унга юбилей қилиш лозим» деб Татаристон газетасида ёзди - миллатчи бўлмади. Татаристон ҳукумати ушбу юбилей учун қамисия тайин қилди - миллатчи бўлмади... Аммо Самарканд муҳаррирларидан бири ижтимоий

ахволимизни танкид қилиш муносабати билан Махмудхўжа Бехбудийни эска тушириб ўтса миллатчи бўладирми?

Газета идорасида йўл топкун ўртоқдар бу билан қолмадилар, идорада сақлангон бир йиллик газета нусхаларини уйларига элтиб, улардан гўёки ҳукумат маслағига муҳолиф сўзлар топиб, ўзбекча билмайтургон ўртоқлар учун «таржима» қилдилар...

Булар тирик ерликлар ҳақида қарши ҳаракатлар билан қолмайин, ўликларимизни ҳам гўрда роҳат қўймоқчи эмаслар. Чунончи, газета муҳаррираси бўлиб ўтиргон ўртоқ З. Бурнашева: «Яхши бўлгон эканқим, Бехбудий ўлдирилгон экан. Агар Бехбудий бу қунда тирик бўлса эди, Туркистоннинг устига иккинчи бир Анвар пошони қелтириб, ўзи бирор мансабга эга бўлур эди», деб, марҳум устодимизга тухмат қилмоқдан кейин турмади...

Мана, энди маҳаллий газета шундай одамлар қўлида бўлгани ҳолда ерлик ёшлар қандай иш қила оладилар!

Мурсалимов билан орамизда бўлган сўнгги мунозара ҳам аҳамиятсиз, қичкина воқеа эмасдир. Мурсалимов «Қамбағаллар товуши» газетасида (287-сониди) мақола ёзиб, «Анвар пошо бутун Туркистон зиёлиларининг пайғамбари» деди. Буни ўқиб Самарқанд зиёлилари қалаёнга қелдилар. Мен Самарқанд зиёлилари томонидан жавоб ёздим. Мурсалимов менга жавоб бермақчи бўлиб неча устунлик фалсафа сотди-да, мени буржуазий зиёлилар қаторига қирғизмақчи бўлди. Табиий, ҳақимда қилингон ихтирони рад қилмоқчи бўлдим. Газета мудирини мени ҳақлик, Мурсалимовни ҳақсиз деб иқроқ қила туриб, менинг раддиямга ўрин бермади. Мен ҳам бундай бир зот билан иш қилмоқ мумкин эмаслигини билиб, идорадан қичишга мажбур бўлдим. Мудир истеъфомни шодлик билан қабул этди.

Аммо ерлик ёшларнинг ўз ораларида газета тўғрисида ҳеч бир ихтилоф ва англашилмовчилик йўқдир. Газета идораси ерлик муҳаррирларнинг масъулияти остига ўтган тақдирда ерлик ёшларнинг бурунги ишларида давом қилишлари аниқдир.

Бу иш бўлиб ҳам қолди, бу қунларда «Қамбағаллар товуши» газетасининг масъул муҳаррирлиғига обқўм партия томонидан ўртоқ Т. Раҳмонберди ўғли тайин этидди. Мана бу зот қачон бизларни ишга қачирса, ишламақ вазифамиздир.

«Озиёлик» ўртокнинг «Самарканд ёшлари кичкина хазил билан иш ташлайлар, ахамиятсиз бир масала устида жанжал чиқаралар...ва ўзларининг хусусий ташаббуслари йўлига кириб кетар эканлар» деган сўзларининг билмасдан ёзилган «сўз»лар эканлиги юкоридаги изохотимдан бир даража собит ўлгон бўлса керак. Мен газета идорасидан чикиб ўзимнинг хусусий ишимга кириб кетмадим, бир неча йилдан бери кишисизликдан ёпилиб ёткон «Зарафшон» китобхонасини тиргиздим ва уни бир оз тартибга солдим. Бу хусусий иш эмас, бу хам маорифга ва танвири афкорга хизмат бўлса керак.

Сўзнинг охирида шуни хам эсга тушириб ўтаманки, ерлик мухаррирлар хар вақт татар кариндошлар билан бирга ишлаб келдилар. Чунончи, «Мехнаткашлар товуши» нашр килина бошлагондан буён бир-икки татар ўртокдар доимий мухаррирликни килиб турдилар, орада хеч бир ихтилоф чикмади. Аммо кейинги бир-икки ўртоклар газетани ўз масъулиятларига олиб, ерликларни кисдилар, кувдилар. Бу ишда ерлик ёшлар гунохкор бўлмасалар керак.

*«Кизил байрок» газетаси, 1922 йил, 2 сентябрь*